

## Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 27

### I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

#### 1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси.

#### 2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

#### 3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ташаббусига асосан.

#### 4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш марказини ташкил қилиш назарда тутилган.

### II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

#### 5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – ўрмон фонди ерларида Ўзбекистон Республикаси Кизил китобига киритилмаган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар хомашёсини йиғиш, териш, ғамлаш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар, “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖ, “PARADISE FLORA” МЧЖ;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибидаги “Доривор ўсимликлар деҳқончилиги” ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника боғининг “Доривор ўсимликлар интродукцияси” лабораториялари, Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон

кимёфармацевтика илмий тадқиқот институтининг дориворчиликка ихтисослаштирилган лабораториялари;

**бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари** – “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” ва “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг:

1-бандида “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ва Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларида 2 та штат бирлигидан иборат бўлган Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни назорат қилиш бўлимларини ташкил этилиши;

мазкур Марказга Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибидаги “Доривор ўсимликлар деҳқончилиги” ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника боғининг “Доривор ўсимликлар интродукцияси” лабораториялари, Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон кимёфармацевтика илмий тадқиқот институтининг дориворчиликка ихтисослаштирилган лабораторияларини бирлаштирилиши назарда тутилган;

2-банди, а)-кичик бандида “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар”, “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари ҳамда “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖ раҳбар органларининг ушбу ташкилотларни тугатиш ҳақидаги қарорлари маълумот учун қабул қилиниши;

Марказга тугатилаётган “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар”, “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари ва “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖнинг вазифалари ҳамда ваколатлари берилиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгиланган.

8-банди, учинчи хатбошисида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 15-уйда жойлашган “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказининг бино ва иншоотларида давлат-хусусий шериклик асосида “PARADISE FLORA” МЧЖ (Тошкент шаҳри) билан Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш ҳамда халқ табобатининг фитотерапия йўналиши бўйича фаолият юритилиши кўрсатилган.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Қарор лойиҳасининг:

1-бандида “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ва Қорақалпоғистон

Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларида 2 та штат бирлигидан иборат бўлган Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни назорат қилиш бўлимларини ташкил этилиши;

мазкур Марказга Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибидаги “Доривор ўсимликлар деҳқончилиги” ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника боғининг “Доривор ўсимликлар интродукцияси” лабораториялари, Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон кимёфармацевтика илмий тадқиқот институтининг дориворчиликка ихтисослаштирилган лабораторияларини бирлаштирилиши назарда тутилган.

Шунингдек, 2-банди, а)-кичик бандида “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар”, “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари ҳамда “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖ раҳбар органларининг ушбу ташкилотларни тугатиш ҳақидаги қарорлари маълумот учун қабул қилиниши;

Марказга тугатилаётган “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар”, “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари ва “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖнинг вазифалари ҳамда ваколатлари берилиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгиланган.

Ўз навбатида, давлат бошқаруви органи ҳисобланадиган Марказга тугатилаётган уюшмалари ва “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖнинг вазифалари ҳамда ваколатларини берилиши доривор ўсимликлар билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлатиштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармоннинг талабларига кўра битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишига йўл қўйилмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланган**.

Таъкидлаш жоизки, доривор ўсимликларни асосан қишлоқ хўжалиги ерларида етиштиришади.

*Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмасининг 2020 йил 11 июлдаги 055-сон хатида 2019 йилда қайта ишлаш ташкилотларига йиғиб берилган қизил мяннинг умумий ҳажмининг атиги 0,18% ўрмон фонди ерларидан олинган бўлса, 99,82% эса қишлоқ хўжалиги ерларидан аҳоли ва фермерлар томонидан йиғиб олинган.*

Шу муносабат билан, “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази фаолиятини қайта ташкил этмасдан амалда қолдириш ҳамда Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” ва “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари ҳамда “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖни тугатиш масаласини Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунлари талаблари доирасида кўриб чиқилиши ва уларнинг муассисларидан (таъсисчиларидан) розилиklarини олиш лозим бўлади.

Қарор лойиҳасининг 8-банди, учинчи хатбошисида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 15-уйда жойлашган “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказининг бино ва иншоотларида давлат-хусусий шериклик асосида **“PARADISE FLORA” МЧЖ (Тошкент шаҳри)** билан Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш ҳамда халқ табобатининг фитотерапия йўналиши бўйича фаолият юритилиши кўрсатилган.

Ўз навбатида, мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ва Рақобат тўғрисида”ги Қонунлари талабларига зид равишда баён этилган.**

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида соғлом рақобат ва эркинлик муҳитини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада давлат иштирокини камайтириш мақсадида “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази фаолиятини қайта ташкил этмасдан амалда қолдириш ва “Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар”, “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари” уюшмалари ҳамда “Шафран” илмий тадқиқот МЧЖни **тугатиш масаласини ўрнатилган қонунчилик талаблари доирасида кўриб чиқилиши;**

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 15-уйда жойлашган “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказининг бино ва иншоотларида давлат-хусусий шериклик асосида Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида хусусий шерикни тендер (танлов) ўтказган ҳолда амалга оширилиши;

Қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ва тенг рақобат муҳитини яратиш масаласини кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.